


Аввал хабар қилганимиздек, Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилаётган XV халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг эркаклар ва аёллар ўртасидаги ярим финал ва финал баҳслари бўлиб ўтди.



10 та вазн тоифасидаги беллашувлар ғолибларига биринчи ўринлар учун 3 000 доллар, иккинчи ўринлар учун 2 000 доллар, иккита учинчи ўринлар учун 1 000 доллардан тақдим этилади.

Бугун эркаклар ўртасида 81, 90 кг., аёллар ўртасида 48, 57, 63, 70 кг. вазн тоифаларидаги беллашувлар ғолиблари номи маълум бўлди.